

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.I.60.03 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХУСАНОВА ЗУЛФИЯ РАХМАТУЛЛАЕВНА**

**«ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТДА АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ  
БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ»  
(Андижон вилояти мисолида)**

**08.00.13 – Менежмент**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Андижон – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of the abstract dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Хусанова Зулфия Рахматуллаевна**

Инновацион иқтисодиётда аёллар тадбиркорлигини бошқариш  
механизмини такомиллаштириш (Андижон вилояти мисолида)..... 3

**Хусанова Зулфия Рахматуллаевна**

Совершенствование механизма управления женского предприниматель-  
ства в инновационной экономике (на примере Андижанской области).... 27

**Khusanova Zulfiya Rakhmatullaevna**

Improving the management mechanism of female entrepreneurship in an  
innovative economy (on the example of Andijan region)..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 55

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.I.60.03 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХУСАНОВА ЗУЛФИЯ РАХМАТУЛЛАЕВНА**

**«ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТДА АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ  
БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ»  
(Андижон вилояти мисолида)**

**08.00.13 – Менежмент**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Андижон – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.PhD/Iqt1459 рақами билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Андижон давлат университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб – саҳифасида ([www.adu.uz](http://www.adu.uz)) ва «Ziyonet» ахборот–таълим порталига ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Мараимова Умида Исмаилжановна**  
иктисодиёт фанлари номзоди, доцент

**Расмий опонентлар:** **Исманов Иброхим Набиевич**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор  
**Абдураманов Хамид Худайбергенович**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.I.60.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел./ факс: 0(374) 223-88-30, e-mail: [agsu\\_info@edu.uz](mailto:agsu_info@edu.uz)).

Диссертация билан Андижон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел./ факс: 0(374) 223-88-30).

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.И.Асқаров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**И.Ю.Умаров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш в.в.б. илмий котиби, и.ф.д., доцент

**Қ.Муфтайдинов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Аёллар тадбиркорлиги муҳим динамик куч сифатида жаҳон иқтисодиёти майдонида намоён бўлмоқда. Дунёдаги «бизнес эгалари орасида аёллар улуши энг кўп мамлакатлар Уганда 38,2%ни, Гана 37,9%ни, Ботсвана 36%ни, Буюк Британия 35,1%ни, Янги Зеландия 31,8%ни ва Россия Федерацияси 31,2%ни»<sup>1</sup> ташкил этади. Статистик маълумотларга кўра, «дунёдаги янги бизнес тузилмаларнинг 25 фоиздан кўпроғи аёллар томонидан яратилган. Франция ва Буюк Британиядаги барча фирмаларнинг чорак қисми ҳамда Германия фирмаларининг учдан бир қисмини аёллар бошқаради. Японияда бу кўрсаткич 23%, АҚШда эса 38%ни ташкил этади»<sup>2</sup>. Коронавирус пандемияси даврида инновацион иқтисодиётдаги туб ўзгаришларни инобатга олган ҳолда аёллар тадбиркорлигини бошқариш механизмини такомиллаштириш зарурати алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда аёллар тадбиркорлигини бошқаришни такомиллаштириш ва уларни инновацион ривожлантиришга йўналтирилган кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Амалга оширилаётган илмий изланишлар таркибида аёллар тадбиркорлигини бошқаришга таъсир этувчи омиллар, уларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда унинг инновацион ривожланиш стратегияси босқичлари, бошқаришнинг инновацион механизмини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, аёллар тадбиркорлиги корхоналари билан вертикал алоқаларни ўрнатиш, ҳудудлар бўйича аёллар тадбиркорлиги рақобатбардошлигини ошириш, ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, инновацион бошқарув тизимини яратиш каби йўналишлардаги тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, имтиёзлар бериш, бошқариш механизмини такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2021 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида «Аёлларнинг бизнес соҳасидаги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда жойларда аниқланган хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш учун бюджетдан кўшимча равишда 1 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилади. Бунинг учун «Халқ банки» томонидан жойларда хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш, бизнесга оид намунавий режаларини ишлаб чиқиш ва кредит олишда уларга амалий ёрдам кўрсатишнинг янги тизими жорий этилади»<sup>3</sup>, деб таъкидладилар. Мазкур устувор вазифаларни ижросини таъминлашда аёллар тадбиркорлигини қўллаб қувватлаш механизмини ривожлантириш, унинг рақобатбар-

<sup>1</sup> <https://newsroom.mastercard.com/ru/press-releases/%D0%B8%D1%81%D1%81%D0%BB%D0%B5%D0%B4%D0%BE%D0%B2%D0>

<sup>2</sup> Самедова Э.Р. Развитие женского предпринимательства в Азербайджане. Russian Journal of entrepreneurship #9, 2017 (May) 1491 стр.

<sup>3</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

дошлиги даражасини ошириш ҳамда янада яхшилаш бўйича тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2018 йил 22 январда «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5308-сон, 2019 йил 14 майда «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5718-сон, 2020 йил 3 апрелда «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5978-сон Фармонлари, 2018 йил 27 июнда «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги ПҚ-3777-сон, 2019 йил 7 мартда «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4235-сон, 2019 йил 24 октябрда «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4498-сон, 2021 йил 5 мартда «Хотин-қизларни қўллаб қўвватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5020-сон Қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Инновацион иқтисодиётда аёллар тадбиркорлигини бошқариш ва уни ташкил этишнинг замонавий назариялари хорижлик олимлардан Р.Керстен, М.Питерс, Л.Бимэн, А.Дессо, Е.Маркел<sup>4</sup> ларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган.

МДҲ мамлакатлари олимларидан З.А.Грицаюк, Г.Х.Гильманова, Р.Р.Галлямов, А.Е.Колобова, Л.В.Московцева, М.А.Полутова,

---

<sup>4</sup> Kersten R, Harms S, Liket K and Maas K. 2011 Small Firms Large Impact? A Systematic Review of the SME Finance Literature. World Development 97 360 p.; Хизрич Р, Питерс М. Предпринимательство, или Как завести собственное дело и добиться успеха. Вып. 1. Предприниматель и предпринимательство: Пер. сангл. – М.: Прогресс, 1992. – 316 С.; Beaman, L., Karlan, D., Thuysbaert, B., and Udry, C. «Profitability of fertilizer: Experimental evidence from female rice farmers in Mali.» The American Economic Review 103, no. 3 (2013): 381-386; Dasso, A., Fernando Fernandez, R. and Ñopo, H. (2015). «Electrification and educational outcomes in rural Peru.» Institute for the Study of Labor, no. 8928; Markel, E. and Jones, L. «Women’s Economic Empowerment: Pushing the Frontiers of Inclusive Market Development.» USAID. 2015

Ю.А.Семенова<sup>5</sup> ларнинг илмий тадқиқотларида аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш-нинг ўзига хос хусусиятлари, аёллар тадбиркорлиги корхоналарини бошқарувини ташкил этишдаги мавжуд муаммолари, бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатларда аёллар тадбиркорлигини ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашда илғор хориж мамлакатлари тажрибаларидан ижодий фойдаланишга оид изланишлар амалга оширилган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Ҳ.П.Абулқосимов, Г.К.Абдурахмонова, Н.Р.Аннаева, М.Р.Болтабаев, Ж.Х.Бобаназарова, М.М.Балтабаева, А.У.Елмуратова, Ф. Каримов, М.М. Мухаммедов, Н.К.Муродова, А.Н.Самадов, С.Ш. Тўрабеков, Р.Ходжаев, Д.Т.Юлдашев, Ш.Ж.Эргашходжаева, М.С.Қосимова, А.А.Қулматов, Б.К.Ғойибназаров<sup>6</sup> ва бошқа иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида кичик бизнесни мамлакатимизда ривожланиш хусусиятлари, унинг иқтисодиётимизда тутган ўрни, кичик бизнесни экспорт салоҳиятини ошириш, жумладан, ушбу соҳада аёллар бандлигини таъминлаш, тадбиркор аёллар фаолиятини ривожлантиришга қаратилган қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Аммо, инновацион иқтисодиёт шароитида мамлакатимизда аёллар тадбиркорлигини бошқариш механизмини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари комплекс тарзда, тизимли, махсус тадқиқот объекти сифатида таҳлил этилмаган.

---

<sup>5</sup> Грицаюк З. А. Дискриминация женщин в реальном секторе экономики // Вестник Тихоокеанского государственного университета. 2006. №1. С. 161–170.; Гильманова Г. Х. Региональные особенности развития женского предпринимательства в российском обществе // Вестник Оренбургского государственного университета. 2007. №9(73). С. 31–36.; Московцева Л. В. Социально-экономические условия женского предпринимательства в российском малом и среднем бизнесе // ФЭС: Финансы. Экономика. 2011. №8. С. 12–14.; Семенова Ю. А. О социальном механизме оптимизации женского предпринимательства // Известия Саратовского университета. Новая серия. Серия: Социология. Политология. 2013. Т. 13. № 1. С. 33–35.; ПолUTOва М. А. Специфика генезиса женского предпринимательства в постиндустриальный период // Фундаментальные и прикладные исследования в современном мире. 2015. №12-4. С. 53–55.; Колобова А. Е. Женщины-предпринимательницы среднего и старшего возраста: штрихи к портрету // Женщина в российском обществе. 2016. № 1(78). С. 51–59.; Галлямов Р. Р. Особенности женского предпринимательства в современной России // Экономика и управление: научно-практический журнал. 2016. № 3(131). С. 56–67.

<sup>6</sup> Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. – Т.: Мехнат, 2010. - 349 б.; Болтабаев М.Р., Қосимова М.С., Эргашходжаева Ш.Ж., Ғойибназаров Б.К., Самадов А.Н., Ходжаев Р. Кичик бизнес ва тадбиркорлик: Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2010. – 275 б.; Абулқосимов Ҳ.П., Қулматов А.А. Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оилавий тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари. Монография. – Т.: Университет, 2015. – 126 б.; Тўрабеков С.Ш., Мухаммедов М.М. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш истиқболлари // Иқтисод ва молия. 2016, №2. 33-38-б.; Абдурахмонова Г.К. Кичик бизнесда аҳолини муносиб меҳнат тамойиллари асосида иш билан таъминлашни такомиллаштириш. Дис. ... и.ф.д. – Т. 2016.; Муродова Н.К. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг назарий асосларини такомиллаштириш. Дис. ... и.ф.д. – Т. 2016.; Юлдашев Д.Т. Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш. Дис. ... и.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2019; Аннаева Н.Р. Аёллар тадбиркорлигининг генезиси, назарияси ва амалиёти (Ўзбекистон мисолида). Дис... ф.ф.бўйича фалсафа доктори (PhD). –Т., 2018, -Б.48; Елмуратова А.У. Касаначилик билан шуғулланувчи аёлларнинг ўзига хос психологик хусусиятлари. Дис... п.ф.бўйича фалсафа доктори (PhD). –Т., 2018, -Б.50; Бобаназарова Ж.Х. Қишлоқ жойларида аёллар иш билан бандлигини оширишнинг самарали ижтимоий-иқтисодий механизмлари. Дис. ... и.ф. доктори (DSc). –Т., 2019, -Б. 70; Балтабаева М.М. Ўзбекистон Республикаси хотин-қизларининг кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришдаги иштироки (1991-2019 йиллар) Дис... т.ф.бўйича фалсафа доктори (PhD). –Т., 2019, -Б.53.

Иқтисодий адабиётларда ушбу масала юзасидан олиб борилган тадқиқотлар таҳлили инновацион иқтисодиёт шароитида аёллар тадбиркорлигини бошқариш механизмини такомиллаштириш, аёллар тадбиркорлиги корхоналарининг бошқаруви самарадорлигини баҳолаш, аёллар тадбиркорлигини бошқаришни ривожлантиришга қаратилган мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш механизмини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқаради. Муаммонинг долзарблиги, иқтисодий адабиётда етарлича ўрганилмаганлиги, кутилаётган илмий натижаларни илмий-амалий аҳамиятга эгаллиги ушбу мавзунинг тадқиқот объекти сифатида танлашга сабаб бўлди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Андижон давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** инновацион иқтисодиёт шароитида аёллар тадбиркорлигини бошқаришнинг назарий асослари ва амалий жиҳатларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

аёллар тадбиркорлигининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини тушунтириб бериш;

аёллар тадбиркорлигини бошқаришга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини баҳолаш;

аёллар тадбиркорлигини бошқаришнинг илғор хориж тажрибасини қиёсий таққослаш;

Андижон вилоятида аёллар тадбиркорлигини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш ва мавжуд муаммоларини аниқлаш;

вилоятда аёллар тадбиркорлигини бошқариш механизмига таъсир этувчи омилларни эконометрик моделлар асосида таҳлил қилиш;

аёллар тадбиркорлигини бошқаришда инновациялардан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш;

узок муддатли истиқболда аёллар тадбиркорлигини бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Андижон вилоятида иш юритаётган аёллар тадбиркорлиги корхоналарининг бошқарув фаолияти олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** аёллар тадбиркорлиги корхоналарининг бошқарувини такомиллаштириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий ва селектив танлаб тадқиқ қилиш, монографик таҳлил ва гуруҳлаш, эконометрик таҳлил ва прогнозлаштириш усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:



аёллар тадбиркорлигини ривожланиш босқичи бўйича кўрсаткичларини даромад даражаси бўйича қуйи (0-0,54), қуйи ўрта (0,55-0,69), ўрта юқори даромадли (0,70-0,85) ва юқори даромадли (0,86-1,00) даражаларида баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган;

корхона бошқаруви билан шуғулланаётган аёл тадбиркорларнинг молиявий ва бошқарув саводхонлиги даражаси, уларни қўллаб-қувватлаш шарт-шароитларини тавсифловчи кўрсаткичларни умумлаштирган ҳолда баҳолаш зарурлиги таклифи асосланган;

аёллар тадбиркорлигини бошқаришни инновацион ривожлантиришда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш марказларини ташкил этиш ва «Худудий инновацион ривожланиш стратегияси» тўрт босқичда инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш механизми асосида такомиллаштирилган;

Андижон вилоятида қўшимча молиявий ресурсларни жалб қилиш, молиявий ва бошқарув саводхонлигини ошириш бўйича мақсадли таълим дастурларини ишлаб чиқиш омиллари таъсири асосида аёллар тадбиркорлигини ривожланишини 2025 йилгача турли сценариялардаги прогноз параметрлари ишлаб чиқилган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

инновацион иқтисодиёт шароитида аёллар тадбиркорлигини бошқаришнинг илмий-назарий асослари ва уларнинг моҳияти очиқ берилган;

аёллар тадбиркорлигини бошқаришни баҳолашнинг услубий жиҳатлари такомиллаштирилган;

вилоятда аёллар тадбиркорлигини бошқариш механизмига таъсир этувчи омиллар аниқланган ва эконометрик моделлар асосида таҳлил қилинган;

аёллар тадбиркорлигини бошқаришда инновациялардан фойдаланиш имкониятлари аниқланган;

узоқ муддатли истиқболда аёллар тадбиркорлигини бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Таҳлил жараёнида тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари, Андижон вилояти ҳокимияти, Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти расмий маълумотларидан фойдаланилганлиги, ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ва илмий асосланганлиги, келтирилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқот жараёнида олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан аёллар тадбиркорлигини бошқаришни такомиллаштириш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича давлат дастурлари-

нинг қамров даражасини ошириш ва уларни амалга оширишнинг иқтисодий механизмини такомиллаштиришга қаратилган махсус илмий-тадқиқот ишларида манба сифатида қўллаш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалар, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Андижон вилояти ҳокимияти, Давлат статистика қўмитаси ва бошқа давлат бошқаруви органлари томонидан аёллар тадбиркорлигини бошқариш амалиётини такомиллаштиришда, олий ўқув юртларида ўқитиладиган «Иқтисодиёт назарияси», «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик», «Менежмент», «Микроиқтисодиёт», «Креатив тадбиркорлик асослари» фанларининг ишчи-ўқув дастурларини такомиллаштириш ва талабаларга таълим бериш жараёнида қўллаш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Инновацион иқтисодиёт шароитида аёллар тадбиркорлигини бошқаришни такомиллаштириш борасида ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

аёллар тадбиркорлигини ривожланиш босқичи бўйича кўрсаткичларини даромад даражаси бўйича қуйи (0-0,54), қуйи ўрта (0,55-0,69), ўрта юқори даромадли (0,70-0,85) ва юқори даромадли (0,86-1,00) даражалар бўйича гуруҳлаш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги 2021 йил 15 ноябрдаги 01-09/631-сонли маълумотномаси). Натижада вилоятда аёллар тадбиркорлиги сони 2,2 мартага ошган ва 2020 йилда жами тадбиркорлик субъектларининг 16,1 фоизи айнан аёллар тадбиркорлиги хиссасига тўғри келган;

корхона бошқаруви билан шуғулланаётган аёл тадбиркорларнинг молиявий ва бошқарув саводхонлиги даражаси, уларни қўллаб-қувватлаш шарт-шароитларини тавсифловчи кўрсаткичларни умумлаштирган ҳолда баҳолаш зарурлиги бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги 2021 йил 15 ноябрдаги 01-09/631-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга жорий этилиши натижада Андижон вилоятида 2020 йилда аёллар тадбиркорлиги томонидан ташкил этилган ишлаб чиқариш корхоналарида самарадорлик кўрсаткичи 10-12 фоизга, маҳсулот экспорт ҳажми 8,1 фоизга ошган;

аёллар тадбиркорлигини бошқаришни инновацион ривожлантиришда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш марказларини ташкил этиш ва «Худудий инновацион ривожланиш стратегияси» тўрт босқичда инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш механизми асосида такомиллаштириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора тадбирлар режаси»ни 10-бандини шакллантиришда фойдаланил-

ган. (Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги 2021 йил 15 ноябрдаги 01-09/631-сонли маълумотномаси). Натижада маҳаллаларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истаги бўлган хотин-қизларнинг молиявий-иқтисодий саводхонлигини оширишга қаратилган ҳамда IT соҳасида дастурчи аёлларни тайёрлаш ойликлари ташкил этилди.

Андижон вилоятида 2020-2025 йилларда қўшимча молиявий ресурсларни жалб қилиш, молиявий ва бошқарув саводхонлигини ошириш бўйича мақсадли таълим дастурларини ишлаб чиқиш омиллари таъсири асосида аёллар тадбиркорлигини ривожланишини прогноз кўрсатичлар сценариялари бўйича ишлаб чиқилган прогноз кўрсатичлар Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги 2021 йил 15 ноябрдаги 01-09/631-сонли маълумотномаси). Натижада вилоятда 2020-2025 йилларда ушбу соҳани ривожланишидаги мавжуд тенденциялар сақланиб қолган тақдирда аёллар тадбиркорлиги субъектлари сонини 1,4 марта, қўшимча молиявий ресурсларни ажратиш ҳисобига

1,5 марта, молиявий ва бошқарув саводхонлиги даражасини оширишга қаратилган таълим дастурларини амалга жорий этиш ҳисобига 2,1 марта ортишига эришиш имконияти мавжудлиги аниқланди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 2 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 4 та илмий мақола, шундан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 135 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва илмий аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, унинг илмий янгиликлари ва амалий натижалари очиқ берилган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши, ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Аёллар тадбиркорлигини бошқариш механизмининг илмий-назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида аёллар

тадбиркорлигини ташкил этиш, уни бошқариш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар тўғрисидаги илмий-назарий қарашлар, уни ривожланишини ўзига хос хусусиятлари ва қонуниятлари, аёллар тадбиркорлигини бошқариш механизми илғор хориж тажрибаси қиёсий таққосланган, унинг мамлакатлар иқтисодиётидаги тутган ўрни баҳоланган ва аёллар тадбиркорлигини бошқариш механизмини такомиллаштириш зарурияти илмий асосланган.

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда уни бошқариш жараёнларига тегишли бўлган назарий қарашлар ривожланишининг турли босқичларида иқтисодий адабиётда «тадбиркор», «бизнесмен», «бизнесвумен» каби иқтисодий категориялар тадқиқ этила бошланди. Хусусан, С.Брю ва К.Макконелл томонидан амалга оширилган тадқиқот натижаларига кўра, ишлаб чиқариш омилларини бирлаштирувчи, иқтисодий муносабатларда катализатор вазифасини бажарувчи, бизнес юритишда тўғри қарорларни қабул қилувчи, ишлаб чиқариш жараёнига янги технологияларни жорий этувчи, шу билан бир қаторда янги маҳсулот ва хизмат турларини ишлаб чиқаришга интилувчи, риск қилишга мойиллиги бўлган шахс тадбиркор сифатида қаралган<sup>7</sup>.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, сўнгги йилларда жаҳонда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналиши сифатида қаралмоқда. Шунга қарамай, жаҳон мамлакатларининг 45 фоизидида аёлларнинг меҳнат бозоридаги иштирокини чекловчи қонунлар мавжуд.<sup>8</sup>



**1-расм. Аёллар тадбиркорлигининг Мастеркард индексини (MIWE) ҳисоблаш амалиёти<sup>9</sup>**

Юнеско ва Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан жаҳон миқёсида аёллар тадбиркорлигини ривожланиш рейтингини «Аёллар тадбиркорлигининг Мастеркард индекси (Mastercard Index of Women Entrepreneurs – MIWE)» орқали баҳоланади. Ушбу индекс таркибий жиҳатдан 3 компонент, 12 индикатор ва 25 та кўрсаткичлардан ташкил топган (1-иловага қаранг). Ушбу

<sup>7</sup> Макконелл К., Брю С. Экономикс:принципы, проблемы и политика.В 2-х томах.Том 1.-М.:Инфра-М.2003.- С.38.

<sup>8</sup> <https://wbl.worldbank.org/en/data/exploretopics/starting-a-job>

<sup>9</sup> Mastercard Index of Women Entrepreneurs 2019. 75 p. <https://newsroom.mastercard.com/wp-content/uploads/2019/11/Mastercard-Index-of-Women-Entrepreneurs-2019.pdf>

ҳисоблаш амалиёти аёллар тадбиркорлигини ривожланишига таъсир кўрсатувчи омилларни ҳар томонлама камраб олганлиги билан ажралиб туради (1-расмга қаранг). Бунда мамлакатда аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг натижалари, корхона бошқаруви билан шуғулланаётган аёл тадбиркорларнинг молиявий ва бошқарув саводхонлиги даражаси, шунингдек, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш шарт-шароитларини тавсифловчи кўрсаткичларни умумлаштирган ҳолда аёллар тадбиркорлигининг ривожланиш ҳолатига баҳо берилади. Олинган натижалар аёллар тадбиркорлигини ривожланишини даромад даражаси ва ривожланиш босқичи бўйича гуруҳлаш имконини беради (1-жадвалга қаранг).

### 1-жадвал

#### Аёллар тадбиркорлигининг Мастеркард индекси натижалари орқали ривожланиши бўйича гуруҳлаш кўрсаткичлари<sup>10</sup>

Аёллар тадбиркорлигининг ривожланиши			
Даромад даражаси бўйича	Ривожланиш босқичи бўйича	MIWE кўрсаткичи	Муаллиф таклифи
юқори даромадли	инновацияга асосланган (инновацион)	0,76-1	0,86-1,00
ўрта юқори даромадли	самарадорликка асосланган (интенсив)	0,51-0,75	0,70-0,85
қуйи ўрта даромадли	инновацион-интенсив ривожланиш	0,26-0,50	0,55-0,69
қуйи даромадли	қўшимча омилларга асосланган (экстенсив)	0-0,25	0-0,54

Аёллар тадбиркорлигини ривожланиш даражаси бўйича гуруҳлаш MIWE индекси амалиёти бўйича энг қуйи ва энг юқори кўрсаткични қайд этган иқтисодий субъектларнинг натижалари ўртасидаги фарқ тенг тўрт гуруҳга ажратилган ҳолда баҳоланади. Ушбу баҳолаш амалиёти бир мунча содда равишда амалга оширилиши билан тавсифланади. Аммо мукамал рақобатли бозор иқтисодиёти шароитида бу турдаги баҳолаш тегишли хулосаларни шакллантиришга тўлиқ имкон бермайди.

Муаллиф фикрича, MIWE индексини ҳисоблаш амалиёти асосида аёллар тадбиркорлигини ривожланиш кўрсаткичларини жаҳон амалиётида мавжуд бўлган, жумладан таълим тизимидаги «болонья» ва «инсон тараққиёти индекси»ни гуруҳлаш амалиётларини ўзаро аралаш ҳолда қўллаш юқори самара беради. Бунда корхона бошқаруви амалиётида экстенсив ривожланишга эришган аёллар тадбиркорлиги субъектларининг аксарияти қуйи ва ўрта қуйи даражадаги ривожланиш кўрсаткичига эга бўлган ҳолда, интенсив ривожланишга эришган тадбиркорлик субъектлари ўрта юқори, ўз амалиётига инновацияларни татбиқ этиш орқали юқори иқтисодий ўсишга эришган аёллар тадбиркорлиги субъектларини юқори даромадли гуруҳга

<sup>10</sup> Mastercard Index of Women Entrepreneurs 2019. 75 p. <https://newsroom.mastercard.com/wp-content/uploads/2019/11/Mastercard-Index-of-Women-Entrepreneurs-2019.pdf> асосида ишлаб чиқилган.

киритишга эришилади. Шунингдек, таклиф этилаётган баҳолаш амалиёти қуйидаги афзалликларга эга ҳисобланади:

экстенсив ривожланишга эришилган аёллар тадбиркорлиги корхоналарида бошқарув амалиётини такомиллаштириш, жумладан, қуйи даромадли тадбиркор аёлларнинг молиявий ва бошқарув саводхонлигидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш;

аёллар тадбиркорлиги корхоналарини инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш бўйича мақсадли давлат дастурларининг манзиллилигини ошириш; мамлакатда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича ортида қолаётган жиҳатларни аниқлаш, шунингдек, уларни максимал бартараф этиш ва ҳ.к.;

MIWE-2020 натижалари таҳлилига кўра, Колумбия, Филиппин, Россия, Польша каби мамлакатларда аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлиги кўрсаткичи юқори натижани қайд этган бўлса, Исроил, Буюк Британия, Шимолий Корея ва Малайзия мамлакатлари тадбиркор аёлларнинг молиявий ва бошқарув саводхонлиги кўрсаткичлари бўйича жаҳонда етакчилик қилишмоқда. Шунингдек, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш шарт-шароитлари бўйича Швейцария, АҚШ, Исроил ва Швеция мамлакатлари юқори ўринларни эгаллашган (2-жадвалга қarang).

## 2-жадвал

### Аёллар тадбиркорлигининг Мастеркард индексининг таркибий компонентлари бўйича ТОП-5 мамлакатлар<sup>11</sup>

Мамлакатлар	MIWE кўрсаткичи		MIWE бўйича ўрни	
	2019	2020	2019	2020
<b>Аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлиги</b>				
Колумбия	62,9	66,2	2	1
Филиппин	65,7	65,7	1	2
Россия	57,4	64,3	16	3
Польша	60,2	62,9	8	4
АҚШ	60,1	62,8	9	5
<b>Тадбиркор аёлларнинг молиявий ва бошқарув саводхонлиги</b>				
Исроил	76,6	97,4	17	1
Буюк Британия	77,7	89,7	11	2
Шимолий Корея	78,8	88,1	9	3
Малайзия	80,4	86,7	4	4
Хитой	77,3	86,6	14	5
<b>Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш шарт-шароитлари бўйича</b>				
Швейцария	78,2	86,7	4	1
АҚШ	79,8	81,7	1	2
Исроил	74,7	80,4	10	3
Швеция	74,2	78,9	11	4
Гонг Конг	78,6	78,5	3	5

Фикримизча, тадбиркор аёллар—бу иқтисодий категория сифатида замонавий бозор иқтисодиёти шароитида мослашувчанлик ва корхона бошқарувида инновацияларни жорий этишга интилиши хусусияти юқори

<sup>11</sup> Mastercard Index of Women Entrepreneurs 2020. 82 p. маълумотлари асосида тузилган. [https://www.mastercard.com/news/media/1ulpy5at/ma\\_miwe-report-2020.pdf](https://www.mastercard.com/news/media/1ulpy5at/ma_miwe-report-2020.pdf)

бўлган мустақил шаклда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи иқтисодий субъектлар ҳисобланади<sup>12</sup>.

Бугунги кунда жаҳонда банд бўлган инсонларнинг деярли ярмини аёллар ташкил этиб, ЯИМнинг 37%и аёллар томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Халқаро меҳнат ташкилоти экспертлари фикрига кўра, жаҳон иқтисодиётида аёллар тадбиркорлиги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг муҳим омилига айланган бўлиб, узоқ муддатли даврда бизнес юритиш соҳасини барқарорлигини таъминлаш зарурияти юқори ҳисобланади. Берилган прогнозларга кўра, эркаклар ва аёлларнинг бизнес юритиш соҳасидаги иштирокини тенглигини таъминлаш орқали 2025 йилга бориб жаҳон ЯИМ ҳажмини 26 фоизга ошириш мумкин бўлади<sup>13</sup>.

Диссертациянинг «Андижон вилоятида аёллар тадбиркорлигини бошқариш механизмининг ҳозирги ҳолати таҳлили» деб номланган иккинчи бобида вилоятда аёллар тадбиркорлигини бошқариш механизми, унинг ўзига хос хусусиятлари, соҳани ривожлантиришдаги мавжуд муаммолар аниқланиб, эконометрик моделлар асосида аёллар тадбиркорлигини бошқаришга таъсир этувчи омиллар таҳлил қилинган.

Сўнгги йилларда республикада аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат дастурлари доирасида Андижон вилоятида аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган ислохотлар изчил амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, 2015-2020 йилларда вилоят ҳудудида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар сони қарийб 2,0 марта ортиб, 17341 тани ташкил этган (2-расмга қаранг).



**2-расм. Андижон вилоятида аёллар тадбиркорлигини ривожланиш кўрсаткичлари<sup>14</sup>**

Таҳлил этилаётган даврда вилоятда тадбиркор аёллар сони 2,2 марта ортган ҳолда, 2020 йилда тадбиркорлик субъектларини 36,1 фоизи аёллар тадбир-корлиги ҳиссасига тўғри келган.


Аёллар тадбиркорлиги корхоналарида ички омилларни бошқариш орқали корхонанинг барқарорлигини мустаҳкамлаш, унинг ривожланиш

<sup>12</sup> Муаллиф томонидан тузилган

<sup>13</sup> Махкамов А. Женское предпринимательство – важный фактор экономической повестки стран ШОС (04.12.2020 г.) <https://scocenter.uz/archives/294>

<sup>14</sup> Андижон вилояти ҳокимияти маълумотлари асосида тузилган

имкониятларини аниқлаш, шунингдек, ташқи омиллар ўзгарган ҳолатларда ишлаб чиқаришни тез суръатларда бошқариш имконини берган. Амалга оширилаётган тадқиқот натижасига кўра, Андижон вилоятида аёллар тадбиркорлиги корхоналари «ХО`JAOBOD FAZO» МЧЖ ва «MILANA TEXTILE» МЧЖларнинг бошқарув самарадорлигига таъсир этувчи омиллар таҳлил қилинган (3-расмга қаранг).



**3-расм. Андижон вилоятида аёллар тадбиркорлиги корхоналари бошқарувини амал қилиш механизми самарадорлиги ва барқарорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар<sup>15</sup>**

Аёллар тадбиркорлигида бошқарувнинг, жумладан, қуйи бошқарув бўлинмалари раҳбарлари аёллар ҳисобланади. Уларнинг бошқарув амалиёти бўйича билим ва кўникмалари корхонада ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш, тегишли қарорларни қабул қилиш, бошқа корхоналар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, корхона фаолиятини инновацион ривожлантириш имкониятларидан фойдаланиш ва шу каби қатор ҳолатларда намоён бўлади.

Корхона бошқаруви ва унинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган омилларнинг боғлиқлиги кўрсаткичи таҳлил қилинди. Таҳлил жараёнида қуйидаги экспоненциал регрессион функциядан фойдаланилди:

$$\hat{y}_i = a_{0i}e^{a_{1i}t} + z \quad (1)$$

Бу ерда:

$\hat{y}_i$  – респондентларнинг  $i$  омилнинг танлаш частотаси;

$a_{0i}$ ,  $a_{1i}$  – энг кичик квадрат методи орқали ҳисобланган регрессия коэффиценти кўрсаткичи;

$t$  – вақт оралиғи (йилда);

$a_{1i}$  – респондентлар томонидан танланган  $i$  омилнинг ўртача йиллик таъсирининг ўсиши кўрсаткичи;

$a_{0i}$  –  $t=0$  бўлганда (базавий йилда) танланган  $i$  омил кўрсаткичи.

<sup>15</sup> Муаллиф томонидан тузилган.



Сўнги беш йил мобайни «MILANA TEXTILE» МЧЖ ва «MARJAN INVESTMENT GROUP» МЧЖ корхоналарини бошқаруви ва иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар қиёсий таҳлил қилинган (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Аёллар тадбиркорлиги корхоналари бошқарувини иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар таҳлили <sup>16</sup>


Омиллар	Модель тенгламаси	Детерминация коэффициенти ( $R^2$ )	Фишер мезони ( $F$ )	$F$ мезон боғлиқлик даражаси	кўрсаткичлар	
					$a_0$	$a_1$
<b>«MILANA TEXTILE» МЧЖ</b>						
ишлаб чиқариш воситаларининг етишмаслиги	Экспоненциал $y=85,34e^{-0,042t}$	76,83	46,42	0,000013	85,34	-0,042
истеъмолчиларнинг тўлов қобилиятининг пастлиги	Логарифмик $y=-22,57\ln t + 71,83$	81,70	62,61	0,000000	71,83	-22,56
импорт маҳсулотлари билан ўзаро рақобат	Чизиқли $y=2,059t+9,75$	60,10	21,11	0,000000	9,75	2,059
хомашё ресурсларининг етишмаслиги	Экспоненциал $y=49,67e^{-0,109t}$	60,80	21,69	0,000000	49,67	-0,109
экспорт имкониятларининг пастлиги	Чизиқли $y=0,497t+6,40$	25,00	4,67	0,048000	6,40	0,497
кадрлар салоҳиятининг пастлиги	Экспоненциал $y=6,19e^{0,122t}$	49,70	13,84	0,002000	6,19	0,122
энергия таъминоти билан боғлиқ муаммолар	Экспоненциал $y=7,54e^{-0,102t}$	67,00	78,47	0,000000	7,54	-0,102
бошқалар	Экспоненциал $y=9,1e^{-0,07t}$	36,60	8,098	0,013000	9,10	-0,070
<b>«MARJAN INVESTMENT GROUP» МЧЖ корхонаси</b>						
ишлаб чиқариш воситаларининг етишмаслиги	Экспоненциал $y=87,42e^{-0,045t}$	77,31	47,08	0,000014	87,42	-0,045
истеъмолчиларнинг тўлов қобилиятининг пастлиги	Логарифмик $y=-21,49\ln t + 69,85$	80,88	61,78	0,000000	69,85	-21,485
импорт маҳсулотлари билан ўзаро рақобат	Чизиқли $y=1,905t+8,95$	59,85	20,87	0,000000	8,95	1,905
хомашё ресурсларининг етишмаслиги	Экспоненциал $y=48,98e^{-0,097t}$	59,98	20,78	0,000000	48,98	-0,097
экспорт имкониятларининг пастлиги	Чизиқли $y=0,435t+5,97$	24,87	4,18	0,039000	5,97	0,435
кадрлар салоҳиятининг пастлиги	Экспоненциал $y=5,98e^{0,109t}$	48,96	13,09	0,001800	5,98	0,109
энергия таъминоти билан боғлиқ муаммолар	Экспоненциал $y=6,99e^{-0,094t}$	66,52	77,82	0,000000	6,99	-0,094
бошқалар	Экспоненциал $y=9,0e^{-0,06t}$	35,96	8,003	0,012000	9,01	-0,064

Амалга оширилган таҳлиллар натижаларига таянган ҳолда, Андижон вилояти аёллар тадбиркорлиги корхоналарининг бошқарув амалиётини такомиллаштириш орқали уни барқарор ривожлантириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. «MILANA TEXTILE» МЧЖни ривожланиш кўрсаткичи 50-60 фоиз паст нархларда импорт маҳсулотлари-

<sup>16</sup> Муаллиф томонидан тузилган

нинг кириб келиши, ишлаб чиқариш воситалари етишмаслиги ва кадрлар салоҳиятининг пастлиги билан боғлиқ ҳисобланиб, раҳбарнинг корхона бошқаруви амалиётида инновацион ёндашуви ҳисобига ушбу кўрсаткич йилига ўртача 12,9-9,5 фоизга туширилмоқда.

#### «MILANA TEXTILE» МЧЖ



#### «MARJAN INVESTMENT GROUP» МЧЖ



#### 4-расм. Аёллар тадбиркорлиги корхоналари бошқаруви амалиётига таъсир кўрсатаётган омиллар<sup>17</sup>

Андижон вилоятида аёллар тадбиркорлиги корхоналарининг самарали бошқарувиغا ишлаб чиқариш воситаларининг етишмаслиги ва кадрлар салоҳиятини пастлиги каби муаммолар таъсири ортиб бормоқда. Сўровнома натижаларига кўра, ишлаб чиқариш воситаларининг етишмаслиги муаммоси замон талабларига мос келадиган техникаларнинг нархи баландлиги сабабли уларни сотиб олишда молиявий ресурсларнинг етишмаслиги билан изоҳланади. Янги ишга қабул қилинаётган кадрлар суҳбат жараёнида бичиштиқишни билишлари ҳақида айтишади, аммо, ишлаб чиқариш жараёнига жалб этилган пайтларида уларнинг меҳнат унумдорлиги паст эканлиги сезилади. Албатта ушбу ҳолат ўз навбатида ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир кўрсатади. Сўнгги йилларда корхоналарда мунтазам равишда амалга оширилган техник ва технологик қуролланиш сабабли ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати сезиларли даражада ортган. Бунинг натижасида, импорт бўлаётган маҳсулотлар билан рақобатлашиш бир мунча енгиллишганлиги кузатилган.

Диссертациянинг учинчи боби «Андижон вилоятида аёллар тадбиркорлигини бошқариш механизмини такомиллаштириш» деб номланиб, унда аёллар тадбиркорлигини бошқариш механизмида инновациялардан фойдаланиш имкониятлари, вилоятда аёллар тадбиркорлигини бошқаришнинг инновацион механизмини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш, узоқ муддатли истиқболда мамлакатимизда, жумладан, Андижон вилоятида аёллар тадбиркорлиги бошқаруви самарадорлигини оширишга

<sup>17</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

қаратилган давлат дастурларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига оид муқобил сценариялар (лойиҳалар) ишлаб чиқилган.



**5-расм. Иновацияларни ишлаб чиқиш ва уларни корхона бошқарувида татбиқ этиш механизми<sup>18</sup>**

Андижон вилоятида корхоналарнинг, жумладан аёллар тадбиркорлиги корхоналарининг бошқаруви механизмидаги инновацияларни амалиётга татбиқ этишдаги мавжуд муаммоларни инобатга олган ҳолатда, 5-расмда келтирилган инновацияларни ишлаб чиқиш ва уларни корхона бошқарувида татбиқ этиш механизми муаллиф томонидан таклиф этилган. Бунда аввало корхона ўз инновацион ғоясига эга бўлиши талаб этилади. Сўнгра уни молиялаштириш учун талаб этиладиган молиявий ресурсларни жамлаши лозим. Бунинг учун донор ташкилотлар маблағлари, банк кредитлари, давлат томонидан ажратиладиган мақсадли грантлар, халқаро молия ташкилотлардан олинган кредитлар, корхонанинг ўз маблағлари ёки ҳамкор ташкилотлар билан қўшма молиялаштиришни ташкил этиши ва бошқалар. Етарли даражадаги молиявий ресурслар жамлангандан сўнг, инновацион лойиҳа ишлаб чиқилади ва давлатнинг тегишли ташкилотларидан рўйхатдан ўтказилиб, ундан амалиётга фойдаланиш учун апробациядан ўтказилгандан кейинги камчиликлар тўлдирилади. Шу орқали инновацион маҳсулот ишлаб чиқиш ишлари амалга оширилади.

Ўзбекистон иқтисодиётида корхоналар фаолиятини инновацион ривожлантиришга эътибор қаратилаётганлигини инобатга олган ҳолда, Андижон вилоятида аёллар тадбиркорлигини бошқариш механизмини такомиллаштиришда ҳам инновацион ёндашувлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз (6-расмга).

Бундай ёндашувдан фойдаланиш орқали аёллар тадбиркорлиги корхоналарининг узок муддатли даврдаги иқтисодий фаолиятини барқарор ривожланиши таъминланади. Аёллар тадбиркорлиги корхоналарида инновацион бошқарув механизмини шакллантириш жараёнида ушбу соҳа вакилларининг молиявий имкониятларини янада кенгайтириш зарур. Инновацион корхоналар фаолиятини ривожлантиришнинг дастлабки босқичида корхоналарнинг молиявий ресурсларга эгаллиги ва уларни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш ва инновацион ривожлантириш имкониятларини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

<sup>18</sup> Муаллиф томонидан тузилган.



**6-расм. Аёллар тадбиркорлиги бошқаруви механизминини инновацион усулда такомиллаштириш схемаси<sup>19</sup>**

Тадбиркор аёллар ўз корхоналарини бошқарувини ташкил этиш жараёнида ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган «худудий инновацион ривожланиш стратегияси»ни ишлаб чиқишлари мақсадга мувофиқ. Ушбу стратегия таркибий жиҳатдан 7-расмда келтирилган босқичларда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.


